

Ижтимоий ҳимояга мұхтож фуқароларға ҳамкорликда гуманитар ёрдам күрсатилди.



Халқимизда “Үт балосидан, сув балосидан, тұхмат балосидан Яратғаннинг үзи арасасин” деган гап бор. Ана шундай балолардан бири - сел-сув тошқынлари, жорий йилнинг 21-март куни тахминан соат 19:10 ларда Қумқұрғон туман ҳудудидаги қир ва адирликларда кучли ёмғир ёғиши оқибатида йиғилған ёмғир сувлари, Азларсой орқали “Элобод”, “Янги шаҳар”, “Боғаро” ҳамда “Азларсой” маҳаллалари ҳудудига кириб келган.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси ва унинг туман ҳамда шаҳар бўлимлари билан биргаликда фуқаролар муаммолари ўрганилди. Бугунгача 692 та хонадоннинг 115 та муаммолари ўрганиб чиқилди.

Жорий йилнинг 26-март куни ИҲМА вилоят бошқармаси, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг вилоят бўлими ва “Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди ҳамкорликда сел ва тошқынлардан талафот кўрган ижтимоий ҳимояга мұхтож фуқароларга гуманитар ёрдам кўрсатилади.

Табиий офатдан жабрланган аҳолининг ижтимоий ҳолатини яхшилаш мақсадида ҳамда юқоридаги 4 та маҳаллалардаги сел ва тошқынлар уйларига зарар келтирган оиласалар фарзандлари таълим олишда қийналиб қолмаслиги учун ўқув қуроллари ҳамда аҳолига мултивитамин, минералларга бой бўлган қуритилган сабзавотлардан иборат озиқ-овқат тўплами ҳамда туман тиббиёт бирлашмасига аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш борасида ҳар бир хонадонда соғлом муҳитни яхшилаш мақсадида юрак қон-томир, ички ҳамда эндокрин касалликларига чалинган фуқароларга дори-дармонлар етказиб берилмоқда.

Психологлар гурухи ташкил этилиб, сел оқибатида зарар ко’рган хотин-қизларга психологияк хизматлар кўрсатилди.